

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

МАКСУДОВА ЛАЙЛО МАСХУТОВНА

**КЎЗНИНГ ИШҚОРИЙ КУЙИШИДА ДИАГНОСТИКА,
ДАВОЛАШ, ПРОФИЛАКТИКА ВА БАШОРАТ
ҚИЛИНИШИГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Максудова Лайло Масхутовна

Кўзнинг ишқорий куйишида диагностика, даволаш, профилактика ва башорат қилинишига комплекс ёндашув..... 3

Максудова Лайло Масхутовна

Комплексный подход к диагностике, лечению, профилактике и прогнозированию осложнений щелочных ожогов глаз..... 29

Maksudova Laylo Mashutovna

The complex approach to diagnostics, treatment, prevention and prediction of complications of alkali burns of eyes..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

МАКСУДОВА ЛАЙЛО МАСХУТОВНА

**КЎЗНИНГ ИШҚОРИЙ КУЙИШИДА ДИАГНОСТИКА,
ДАВОЛАШ, ПРОФИЛАКТИКА ВА БАШОРАТ
ҚИЛИНИШИГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Tib362 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.eyecenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Камилов Халиджан Махамаджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Билалов Эркин Назимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Young Kwang Chu
тиббиёт фанлари доктори (Жанубий Корея, Сеул)

Исраилов Ражаббой Исраилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Вена тиббиёт университети (Австрия)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «7» ИЮН куни соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eye-center@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (006-А -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eye-center@inbox.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «25» ИЮН куни тарқатилди.
(2021 йил «25» ИЮН даги 10 рақамли реестр баённомаси).



А.Ф. Юсупов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Ш.А. Джамалова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Каримова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кўзнинг ишқорий куйиши касаллиги ортиб бориши ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан катта муаммоларга олиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра куйиш кўзнинг барча шикастланишлари-нинг 6,1-38% ташкил қилади, шундан, кимёвий моддалар билан зарарланиш улуши 7,9-85% га тўғри келади. Бу ўз навбатида кўзнинг ишқорий куйиши касаллигини самарали ташхислаш ва даволаш жараёнида замонавий воситалар ва усулларни изчил қўллашни долзарб вазифа сифатида қўймоқда.

Жаҳон миқёсида шох парданинг ишқор билан зарарланишининг патогенетик жиҳатлари юзасидан строманинг кимёвий табиати ва тузилиши бузилишларининг, яллиғланиш реакцияси хусусиятлари ва секин кечувчи тикланиш жараёнлари сабабларини баҳолаш билан орқа эпителий некротизациясини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш юзасидан илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада патологик жараённинг кейинги кечиши ва якунини белгиловчи қон томир тонуси ва мос равишда гемостазни бузилишига ҳамда тўқималар ва ҳужайраларнинг иккиламчи гипоксиясини ривожланишига олиб келувчи тўқималарнинг куйиш шикастланишининг экзо - ва эндомаҳсулотларининг микроваскуляр ўзанга токсик таъсири, шунингдек шикастланган тўқималарнинг тикланиш жараёнларини рағбатлантириш, яллиғланиш реакциясини бартараф этиш вақтини камайтириш, кўрув аъзосининг функционал қобилятини сақлаб қолиш ва ногиронликка олиб келувчи натижалар сонини камайтириш бўйича тадқиқотларга устувор даражада қаралмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, жумладан офтальмологик тиббий хизмат сифатини янги поғонага олиб чиқиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислохотларимизни ҳам қатъият билан давом эттирамиз”¹. Бу борада кўзнинг ишқорий куйишидаги морфологик бузилишлар ва кўзнинг олдинги қисми барча тузилмаларининг диссоциацияси билан характерланишларини аниқлаш, кўзнинг ишқорий куйишида тез ацетилаторларда шикастланиш жараённинг шароитида даволаш механизмининг такомиллаштириш, секин ацетилаторларда куйиш жароҳатланишининг сустроқ кечувчи бошланғич босқичида жараён давомлигининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш каби йўналишларда амалга оширилаётган тадқиқотларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.

Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.² Кўз куйиши билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган илмий-тадқиқотлар дунёнинг, жумладан куйидаги етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари томонидан олиб борилмоқда: Department of Ophthalmology, Peking University Third Hospital (Бейжинг, Хитой), Aachen Centre Of Technology Transfer In Ophthalmology, An-Institute, RWTH Aachen University, (Ахен, Германия), Department of Ophthalmology, Kliniken der Stadt Köln (Остмерхаймер, Германия), Department of Ophthalmology, The Royal London Hospital, Barts Health NHS Trust (Лондон, Буюк-Британия), Department of Ophthalmology, Beijing Aier Intech Eye Hospital (Бейжинг, Хитой), One-Health One-Medicine Ophthalmology and Vision Research Center, Department of Veterinary Medicine and Surgery, University of Missouri (Колумбия, АҚШ), Harry S. Truman Memorial Veterans' Hospital (Колумбия, АҚШ), Imperial College Healthcare NHS Trust, Western Eye Hospital, (Лондон, Буюк-Британия), SSR-Stem Cell Biology Laboratory, Center for Regenerative Ophthalmology, L V Prasad Eye Institute (Хайдаробод, Хиндистон), Pamukkale University, Experimental Surgery Education and Research Center (Денизли, Туркия), Department of Ophthalmology, Seoul National University Hospital (Сеул, Жанубий Корея), «Авиценна Мед» прогрессив тиббиёт марказининг офтальмологик клиникаси (Киев, Украина), Гельмгольц номидаги кўз касалликлари Миллий тиббий тадқиқот маркази (Москва, Россия) и Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази (Тошкент, Ўзбекистон).

² Ҳалқаро илмий тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалардан фойдаланган ҳолда ўтказилган: Xie X., Zhang H.L., Wu W.Y., Feng Y. Preliminary clinical observations of retina injury in alkaline ocular trauma patients // *Zhonghua Yan Ke Za Zhi*. 2020 Jul 11;56(7):514-518; Schrage N.F., Abu S.S., Hermanns L., Panfil C., Dutescu R.M. Irrigation with phosphate-buffered saline causes corneal calcification during treatment of ocular burns. // *Burns*. 2019 Dec;45(8):1871-1879; Hossain R.R., Papamichael E., Coombes A. East London deliberate corrosive fluid injuries. // *Eye (Lond)*. 2020 Apr;34(4):733-739; Kang Y., Li S., Liu C., Liu M., Shi S., Xu M., He J., Zhang T. A rabbit model for assessing symblepharon after alkali burn of the superior conjunctival sac. // *Sci Rep*. 2019 Sep 25;9(1):13857; Tripathi R., Giuliano E.A., Gafen H.B., Gupta S., Martin L.M., Sinha P.R., Rodier J.T., Fink M.K., Hessemann N.P., Chaurasia S.S., Mohan R.R. Is sex a biological variable in corneal wound healing? // *Exp Eye Res*. 2019 Oct;187:107705; Bizrah M., Yusuf A., Ahmad S. An update on chemical eye burns. // *Eye (Lond)*. 2019 Sep;33(9):1362-1377; Kethiri A.R., Raju E., Bokara K.K., Mishra D.K., Basu S., Rao C.M., Sangwan V.S., Singh V. Inflammation, vascularization and goblet cell differences in LSCD: Validating animal models of corneal alkali burns. // *Exp Eye Res*. 2019 Aug;185:107665; Yılmaz U., Kaya H., Turan M., Bir F., Şahin B. Investigation the effect of Hypericum perforatum on corneal alkali burns. // *Cutan Ocul Toxicol*. 2019 Dec;38(4):356-359. Choi H., Phillips C., Oh J.Y., Potts L., Reger R.L., Prockop D.J., Fulcher S. Absence of Therapeutic Benefit of the Anti-Inflammatory Protein TSG-6 for Corneal Alkali Injury in a Rat Model. // *Curr Eye Res*. 2019 Aug;44(8):873-881.

Дунёда кўз куйиши касаллигига чалинган беморлар юзасидан амалга оширилган илмий-тадқиқотлар бўйича, жумладан куйидаги натижалар олинган: шох парда тўқималари шикастланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш билан кўзнинг куйишига олиб келувчи кимёвий воситаларини патологик таъсирининг патогенетик хусусиятлари ва касаллик кечишининг прогностик мезонлари аниқланган (Department of Ophthalmology, Peking University Third Hospital, Бейжинг, Хитой); иммунитет кўрсаткичларининг нормаллашиши куйиш касаллиги кечиши динамикаси, турли даражадаги интенсивликдаги кўз олмасининг олд қисмидаги шикастланган тўқималарда чандиқ пайдо бўлиши, куйишдан кейинги симблефаронларнинг пайдо бўлиши ва кўзнинг оптик муҳитини хиралашиши билан боғлиқлиги аниқлангани (Department of Ophthalmology, The Royal London Hospital, Barts Health NHS Trust, Лондон, Буюк-Британия); Т-лимфоцитлар миқдори юқори бўлган беморларда шох парда ва конъюнктива тез васкуляризацияси ҳамда гиперрегенерация жараёни шаклланиши, Т-хужайралари сонининг кўпайиши ва уларнинг функционал фаоллигининг ошиши эса куйишдан кейинги биринчи кундаёқ кузатилиши ва куйиш касаллигининг дастлабки даври мобайнида бир хил даражада сақланиб туриши, ўз навбатида, иммунологик кўрсаткичларнинг ошиши билан шох парда ва конъюнктивада васкуляризациянинг кучайиши ва гиперрегенерация кузатилиши аниқланган (One-Health One-Medicine Ophthalmology and Vision Research Center, Department of Veterinary Medicine and Surgery, University of Missouri, Колумбия, АҚШ).

Ҳозирги вақтда дунёда кўз куйиши касаллиги билан оғриган беморлар ташхиси ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кўз тўқимасининг репаратив хусусиятларини аниқ баҳолаш ва кейинчалик касаллик кечишини ташҳислаш мезонларини такомиллаштириш; янги белгилар ва прогноз кўрсаткичлари асосида беморларни ташҳислаш-даволаш тактикаси ва ёндашувларни такомиллаштириш; кўзнинг куйиш касаллигининг оғирлик мезонларини ишлаб чиқиш ва касалликни ривожланиш тезлигини аниқлаш; беморларни даволаш тактикаси ва ёндашувларининг аниқлик даражасини ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларнинг кўплаб тадқиқотлари натижасида кўрув аъзоси патологиясининг турли шакллари орасида, куйишлар, деструктив ва функционал бузилишлар нуқтаи назаридан энг оғир ва мураккаб гуруҳни англатади. Sun M. ва бошқалар³ фикрига кўра «психотравматик омил, клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари ва кўпинча унинг асосий функцияси бўлган – кўришнинг тўлиқ ёки қисман йўқолишига олиб келадиган кўзнинг куйиш шикастланишига тенг бўлган касалликни топиш қийин». Кўз куйиши шикастланишини даволаш муаммоси долзарблигини йўқотмаяпти ва унинг кўп компонентли жиҳатлари

³ Sun M., Puri S., Mutoji K.N., Coulson-Thomas Y.M., Hascall V.C., Jackson D.G., Gesteira T.F., Coulson-Thomas V.J., Hyaluronan Derived From the Limbus is a Key Regulator of Corneal Lymphangiogenesis. // Invest Ophthalmol Vis Sci. 2019 Mar 1;60(4):1050-1062.

янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни талаб қилмоқда. «Кўз куйиши касаллигини даволаш – шикастланган тўқималарнинг тикланиш жараёнларини рағбатлантириш, яллиғланиш реакциясини тўхтатиш вақтини камайтириш, кўрув аъзосининг функционал қобилиятини сақлаб қолиш ва ногиронликка олиб келувчи натижалар сонини камайтиришдан иборат» (Han K.E.⁴). Кўз куйиши патогенезини ўрганиш бўйича кўп қиррали ва кўп сонли тадқиқотларнинг асосий мақсади патологик жараённинг барча мураккаблигини, унинг босқичларини ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларини ҳисобга олган ҳолда самарали даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат. Кўз куйишини даволашнинг кўплаб усуллари мавжуд, аммо уларнинг аксарияти куйиш жараёнининг фақатгина айрим бир йўналишига бағишланган. Шундай қилиб, реконструктив амалиётлар фақатгина кўз ичидаги қон оқимини ва суёқликларнинг нормал айланишини тиклаш учун амалга оширилади, бу эса нафақат яра юзаларининг тез тикланишига ёрдам беради, балки микроваскуляризация асоратлар ривожланиш хавфини камайтиради. Яна бир истиқболли усул – бу лимбал ўзак хужайралар трансплантацияси ҳисобланиб, Fernandes-Cunha G.M.⁵ фикрига кўра, бу «нафақат шикастланган юзаларни тез тиклайди, балки иккиламчи яллиғланиш жараёнлари ривожланиши хавфини камайтиради».

Кўзларнинг кимёвий куйиши - бу оғир, юқори даражада ногиронликка олиб келувчи, беморларнинг ҳаёт сифатини ёмонлаштирувчи омил ҳисобланиб, шикастланиш жараёнлари одатда, кўрув аъзосининг функциясини қисман ёки тўлиқ йўқотишига олиб келувчи сезиларли даражада бузилишлар билан бирга кузатилади. «Кўз куйиш касаллигида турли хил асоратлар ривожланишига, иммунологик резистентликни ва яллиғланиш жараёнини узайишини пасайтиришга олиб келувчи омилларга, консерватив даволаш, жарроҳлик аралашувлар ва пластик реконструктив амалиётлар натижаларининг ўзгарувчанлиги»га оид масалалар тўлиқ ўрганилмаган (Pietraszkiewicz A.⁶).

Ушбу ҳолатлар, кўз куйиши ривожланиши, зўрайиши ва асоратлар шаклланишининг патогенетик механизмларини чуқур ўрганишга, кимёвий куйишларда даволашнинг муқобил усуллари ва ёндашувларини излашга ундайди.

Nominato L.F.⁷ фикрига кўра, «кўзнинг куйиш жароҳатларининг якуни – кўп жихатдан шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишнинг тезлиги ва сифатига ҳамда адекват ташхисот ва даволаш тактикасини танлашга, ўтказиладиган реабилитация тадбирлари мажмуининг тўлиқлигига, шу билан бирга, кўрув

⁴ Han K.E., Park M.H., Kong K.H., Choi E., Choi K.R., Jun R.M. Therapeutic effects of three human-derived materials in a mouse corneal alkali burn model. // *Cutan Ocul Toxicol*. 2019 Dec;38(4):315-321.

⁵ Fernandes-Cunha G.M., Na K.S., Putra I., Lee H.J., Hull S., Cheng Y.C., Blanco I.J., Eslani M., Djalilian A.R., Myung D. Corneal Wound Healing Effects of Mesenchymal Stem Cell Secretome Delivered Within a Viscoelastic Gel Carrier. // *Stem Cells Transl Med*. 2019 May;8(5):478-489.

⁶ Pietraszkiewicz A., Hampton C., Caplash S., Lei L., Capetanaki Y., Tadvalkar G. Desmin deficiency is not sufficient to prevent corneal fibrosis. // *Exp Eye Res*. 2019 Mar;180:155-163.

⁷ Nominato L.F., Dias A.C., Dias L.C., Fantucci M.Z., Mendes da Silva LEC, Murashima A.A., Rocha E.M. Prevention of Corneal Neovascularization by Adenovirus Encoding Human Vascular Endothelial Growth Factor Soluble Receptor (s-VEGFR1) in Lacrimal Gland // *Invest Ophthalmol Vis Sci*. 2018 Dec 3;59(15):6036-6044.

аъзоси ҳар бир бўлимларидаги зарарланиш интенсивлигини баҳолаш, бўлиши мумкин бўлган натижаларни башорат қилиш, уларнинг ацетилланиш фенотипини ҳисобга олган ҳолда, тикланиш жараёнларининг тезлиги ва давомийлигини тахмин қилиш имконини берувчи кўз тўқималари дегенерациясининг оғирлик даражасини аниқлашга боғлиқ».

Адабиёт маълумотларининг таҳлили шундан далолат берадики, бугунги кунда кўзнинг куйиши билан касалланган беморларни даволашнинг асосий стратегиясида яллиғланиш жараёнининг ривожланиш даражаси мезонлари ҳисобга олинмаган, ушбу асосда, патологик жараён кечишининг янги белгиларини излаш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Кўзнинг куйиш жароҳати яқунларини башорати, асосан, яллиғланиш жараёнининг ривожланиш даражаси ва кўрув аъзоси шикастланган тўқималарининг тикланиш тезлиги билан чекланганлигига асосланган ҳолда, организмда N-ацетилланиш жараёнларининг фаоллигини аниқлаш муҳим прогностик аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Кўрув аъзоси патологик жараёнларини ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» (2016-2020 йй.) ва №02090009 рақамли «Хусусий ва умумий хирургияда ҳамда шошилиш тиббий ёрдамда янги технологиялар» мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ацетилланиш фенотипига боғлиқ ҳолда, кўриш аъзоси тўқималаридаги тикланиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ҳамда ташхисот ва бошқариш тактикасига персоналлашган ёндашувларни такомиллаштириш орқали кўзнинг ишқорий куйиши билан касалланган беморларнинг даволаш натижаларини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўзнинг кимёвий куйиши учраш частотаси ва структурасини ўрганиш, кўзнинг куйиш касаллиги таснифини такомиллаштириш ва унификациялаш;

тажрибада ацетилланиш фенотипига боғлиқ ҳолда, ишқорий куйишда кўзнинг олдинги қисмининг морфофункционал хусусиятларини, шикастланиш тавсифини ва тикланиш жараёнларини ўрганиш;

ацетилланиш фенотипини ҳисобга олган ҳолда, тажрибавий ишқорий куйишда шох парда, склера, кўз гавҳари, кўз қон томирли қаватидаги тўқима антигенларига нисбатан антиген боғловчи лимфоцитлар кўрсаткичи бўйича кўз тўқималари деструкцияси даражасини аниқлаш ва морфогистологик ўзгаришлар билан таққослаш;

клиник шароитларда, ацетилланиш фенотипини ҳисобга олган ҳолда, кўзнинг кимёвий куйишида шикастланиш хусусиятини ва патологик жараён кечиши динамикасини баҳолаш;

диспансер назорати вақтида кўзнинг кимёвий куйишидан сўнг асоратлар ривожланган беморларда кўрув аъзосини ўрганиш ва ацетилланиш фенотипини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг хусусиятларини баҳолаш;

ишқорий кимёвий куйишлар билан касалланган беморларда зарарланиш хусусиятини, ацетилланиш фенотипини инобатга олган ҳолда, кўзнинг олдинги қисмлари тўқималарининг специфик сенсibiliзацияланган антигенларига нисбатан антигенбоғловчи лимфоцитлар кўрсаткичлари билан солиштириш;

кўзларнинг куйиш жарохати мавжуд беморларни ташхислаш ва даволашда ацетилланиш ҳолатини баҳолаш усулидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ишлаб чиқиш;

ацетилланиш ҳолатини аниқлаш ва муқобил вариантларнинг тизимли морфологик таҳлилидан фойдаланиш йўли билан кўзнинг куйиши билан касалланган беморларни даволаш ва ташхислаш тактикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика клиник офтальмологик шифохонасида (2011-2021 йй.) кўзнинг кимёвий куйиши билан даволанган 150 нафар беморлар (220 та кўз) олинган, назорат гуруҳига 36 нафар соғлом шахслар киритилган, ҳамда эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институтининг «Сурункали юқумли жараён» лабораториясида жинсий етилган 100 та оқ эркак каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини кўзнинг ишқорий кимёвий куйишида турли хил ацетилланиш фенотипларига эга бўлган оқ каламушларда кўриш аъзоларининг айрим тўқималарининг морфофункционал бузилишлари, ишқорий кимёвий куйган беморларда ва соғайганларда уларнинг ацетилланиш фенотипи ҳамда шох парда, кўз гавхари, склера, кўзнинг қон томирли қавати тўқималарининг антигенларига нисбатан антигенбоғловчи лимфоцитлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий офтальмологик текширув усуллари, қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлили, сийдик таҳлилида ацетилланиш фенотипини аниқлаш, қон таҳлилида тўқима антигенларига нисбатан антиген боғловчи лимфоцитлар даражасини аниқлаш, тизимли морфологик, математик таҳлил ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

кўзларнинг ишқорий кимёвий куйишида ацетилланиш фенотипига боғлиқ ҳолда репаратив фаолликнинг клиник-тажрибавий ўзига хос кўринишларини баҳолаш орқали патологик жараён кечишининг морфологик хусусиятлари каби патогномоник жиҳатлари исботланган;

беморларни олиб боришга персоналлашган ёндашув мақсадида секин ва тез ацетилланиш фенотипи аниқланган ҳолларда, кўрув аъзосининг кимёвий куйиши яқунларини ва асоратларини аниқ башоратлаш, яъни прогностик патогенетик мезонларига таянган ҳолда, аниқлик киритилган;

кўз олдинги қисмининг турли бўлимларидаги деструкция даражасининг морфологик кўринишига ва ацетилланиш фенотипига боғлиқ ҳолда, кимёвий

куйиш фонида шох парда, кўз гавхари, склера, кўзнинг қон томирли қавати тўқималарининг антигенларига нисбатан антигенбоғловчи лимфоцитлар кўрсаткичларининг диаметрал қарама - қарши ўзгаришлари аниқланган;

кўзнинг ишқорий куйишидаги морфологик бузилишлар колликвацион деструкция, шиш ва дастлабки босқичларда, тез ацетилланиш фенотипида – бириктирувчи тўқиманинг фаол ўсиши билан, секин ацетилланишда эса узоқроқ давом этувчи дегенератив, трофик ва деструктив жараёнлар билан кечувчи кўзнинг олдинги қисмининг барча тузилмаларининг диссоциацияси билан характерланиши аниқланган;

кўзнинг ишқорий куйишида, тез ацетилляторларда шикастланиш жараёнининг фаолроқ бошланиши, аммо кейинчалик жароҳатни тезкор битиши ва/ёки дағал чандикли асоратларнинг (бельмо, симблефарон) шаклланиши аниқланган;

секин ацетилляторларда куйиш жароҳатланишининг сустроқ кечувчи бошланғич босқичида жараён давомли қайталанувчи характерга эга эканлиги, иккиламчи инфекциялар қўшилиши билан кечки асоратлар ривожланиш эҳтимоли ошишига олиб келиши аниқланган (увеитлар, кератоувеитлар, конъюнктивитлар ва х.к.);

тез ацетилланишда кўриш органи функциясини ва кўз ичи босимини тикланиш жараёни куйишдан кейинги дастлабки босқичларда тезроқ ва самаралироқ давом этиши, секин ацетилланиш фенотипида эса, гипотензияга мойил бўлган ҳолда аъзо функциясини сезиларли бўлмаган даражада тикланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

кўзларнинг ишқорий кимёвий куйишида репаратив жараёнлар хусусиятини ва асоратлар ривожланишини башорат қилиш мезонлари аниқланган ҳамда ацетилланиш фенотипини ҳисобга олган ҳолда кўрув аъзоси шикастланишларини олиб бориш ва даволаш тактикаси алгоритми ишлаб чиқилган;

ацетилланиш фенотиплари турли хил бўлган беморларда кўзларнинг кимёвий куйиши кечишининг клиник хусусиятлари аниқланган, кўрув аъзоси ҳолатини етарли даражада баҳолаш имкониятлари кенгайган ва уларни олиб боришда индивидуал ёндашув асосланган;

ташхислаш сифатини яхшилаш ва тиббий ёрдам кўрсатишнинг соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғинидан ихтисослашган даволанишгача бўлган барча босқичларида мақбул олиб бориш тактикасини танлаш имкониятини берувчи, умумий ва индивидуаллаштирилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, кўз куйиш касаллигининг ишчи классификацияси модификация қилинган;

касалликнинг қайталаниши ва асоратлари частотасини камайтириш, шунингдек, кўрув аъзосининг функционал ҳолатини эртароқ тикланиши ҳисобига беморларни шифохонада бўлиш муддатини қисқартириш имконини берган, беморларнинг ацетилланиш ҳолатини инобатга олган ҳолда, кўз куйишини даволашда мақбуллаштирилган ёндашув алгоритми таклиф қилинган;

кўзларнинг ишқорий кимёвий куйиши билан касалланган беморларни олиб боришга индивидуал ёндашувнинг иқтисодий самарадорлиги, уларнинг ацетилланиш фенотипини ҳисобга олган ҳолда, даволашнинг муқобил турларини тизимли морфологик таҳлилини ўтказиш орқали асосланган, бу эса даволаш ва реабилитация харажатларини сезиларли даражада камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги ҳамда клиник, офтальмологик, иммуноцитохимик, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари, кимёвий куйиш билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволашда замонавий илмий-амалий фаразларга ва ёндашувларга асослангани ва вазифаларни ҳал этиш тиббий статистиканинг замонавий тасдиқланган усуллари билан амалга оширилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, шикастланиш яқунларининг тасдиқланган башорат мезонларини ҳисобга олган ҳолда кўзнинг куйиш касаллиги кечишининг патогенетик жиҳатларини, шунингдек беморларни олиб бориш тактикасига индивидуал ёндашувни асослаш имконини берган патология ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва ацетилланиш фенотипининг турли хил вариантларида асоратлар ривожланишини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўзларнинг куйишини даволашда бемор организмнинг фенотипик хусусиятларини инобатга олган ҳолда тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида (тиббиётни бирламчи бўғинидан ихтисослаштирилган даволанишга қадар) мақбуллаштирилган ёндашув алгоритми таклиф этилган бўлиб, бу эса, асоратлар частотасини ва уларнинг қайталанишини камайтириш, шифохонада ётиш муддатини қисқартириш ва кўрув аъзосининг функционал ҳолатини сифатлироқ тиклаш ҳисобига даволаш натижаларини яхшилашга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўзларнинг кимёвий куйиши билан касалланган беморларга кўрсатиладиган ёрдам сифатини яхшилаш бўйича бажарилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

кўзларнинг ишқорий кимёвий куйишида ацетилланиш фенотипи илк бор ўрганилган ва изланишлар натижалари асосида “Кўрув аъзосининг кимёвий куйиши мавжуд беморларда ташхислаш, олиб бориш ва даволашни такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 8н-р/326-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсияларни қўллаш, кўзнинг кимёвий куйиши билан касалланган беморларда ташхисот ва даволаш сифатини оширишга имконини берган;

кўрув аъзосининг кимёвий куйиши яқунларини ва асоратларини аниқ башоратлаш, яъни прогностик патогенетик мезонларига таянган ҳолда, “Кўзларнинг кимёвий куйиши мавжуд беморларни олиб бориш алгоритми” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 8н-р/326-сон маълумотномаси). Таклиф этилган алгоритмни қўллаш, беморларда эрта ва кеч муддатдаги асоратлар частотасини қисқартиришга, ҳамда хаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

муқобил вариантларнинг тизимли морфологик таҳлилидан фойдаланиш беморларни олиб бориш тактикасини танлаш асосида ишлаб чиқилган “Кўзларнинг кимёвий куйиши билан касалланган беморларни олиб боришнинг муқобил вариантларини комплекс тизимли таҳлили” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги 8н-р/294-сон маълумотномаси). Таклиф этилган мажмуани қўллаш, даволаш тактикасининг мақбул турини башорат қилиш ва кўрсатиладиган офтальмологик ёрдам сифатини яхшилаш имконини берган;

секин ва тез ацетилланиш фенотипи аниқланган ҳолларда, кўрув аъзосининг кимёвий куйиши яқунларини ва асоратларини аниқ башоратлаш, яъни прогностик патогенетик мезонларига таянган ҳолда, аниқлик киритиш мақсадида ишлаб чиқилган “Кўзларнинг кимёвий куйиши билан касалланган беморларни олиб боришда индивидуаллаштирилган ёндашув самарадорлигини клиник-иктисодий жиҳатдан асослаш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 14 сентябрдаги 8н-р/298-сон маълумотномаси). Таклиф этилган индивидуаллаштирилган ёндашувни қўллаш, кўзларнинг кимёвий куйиши билан касалланган беморларни даволаш ва реабилитация қилиш молиявий харажатларини камайтириш имконини берган;

кўзнинг кимёвий куйиши билан касалланган беморларга кўрсатиладиган ёрдам сифатини ошириш бўйича олинган илмий натижалар амалий соғлиқни сақлаш фаолиятига, хусусан, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси, Навоий вилоят офтальмология шифохонаси, Сирдарё вилоят шифохонаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика офтальмология шифохонаси фаолиятига, шунингдек, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ўқув дастурига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 майдаги 8н-з/104-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини клиник амалиётда қўллаш, кўзнинг куйиши билан касалланган беморларни олиб боришнинг терапевтик ва таъхисот тактикасини мақбуллаштиришга имкон берган, уларни реабилитация қилиш учун манба ва молиявий харажатларни камайишини таъминлаган, шикастланиш асоратлари частотасини камайтириш орқали офтальмологик ёрдам сифатини яхшилаган, кўрув аъзоси функциясининг эрта тикланиши ҳисобига беморларни шифохонада бўлиш муддатини қисқартирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 14 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, жумладан, 14 та илмий мақолалар, шулардан 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация материалининг ҳажми 195 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган нашрлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўзнинг куйишлари – офтальмологиянинг долзарб муаммоси**» номли биринчи бобининг 3 та бўлимларида кўзнинг кимёвий куйишлари, патогенетик жихатлари, таснифлари, даволаш ёндашувлари ва усуллари бўйича адабиётлар шарҳи маълумотлари келтирилган, муаммонинг замонавий маълумотлари ва ҳолати таҳлил қилинган, турли патологияли беморларнинг персонализацияси ва бу касалликларнинг кечиши ва яқунлари мисолида ацетилланиш фенотипи (АФ) турларининг ўрни бўйича маълумотлар таҳлили келтирилган, офтальмология соҳасидаги халқаро тадқиқотларнинг йўналишлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва усуллари**нинг клиник ва экспериментал тавсифи» номли иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи, морфогистологик ва иммуноцитокимёвий тадқиқот ўтказиш орқали 100 та оқ каламушларда АФ ни аниқлаш билан тажриба дизайни келтирилган. Клиник тадқиқотларнинг объекти сифатида ЎзР ССВ Республика клиник офтальмология шифохонасига (ЎзР ССВ РКОШ) кўзнинг кимёвий куйишлари билан мурожаат қилган 150 нафар беморлар олинган бўлиб, уларнинг 103 нафариди АФ ни аниқлаш ўтказилган тез ацетилланиш (ТА) билан 51 нафар ва 52 нафар секин ацетилланиш (СА) билан) ҳамда стационар даволанишда бўлганларни мурожаатдан кейинги 2, 5, 7, 12, 30-кунлари динамик текширув ўтказилган ва кўз куйишидан кейин 4 ой ва 1-2 йил ўтгач, диспансеризация назоратида бўлган беморлар олинган. Куйиш жароҳати хусусиятига кўра, 150 нафар беморлар куйидагича тақсимланган: майиш жароҳатланишлар – 99 нафар беморлар (66,0%), ишлаб чиқаришдаги – 51 ҳолат (34,0%). Текширилган шахслар орасида эркаклар 131 (87,3%)

нафарни, аёллар 19 (12,7%) нафарни ташкил этган. Текширилган шахсларнинг ёш бўйича таркиби 18 дан 77 ёшгачани ташкил этиб, беморларнинг ўртача ёши $40,46 \pm 4,06$ ёшни, Медиана бўйича 31,6 ёшни ташкил этган.

Этиологик омил бўйича куйиш шикастланиши, асосан 116 (77,3%) ҳолларда ишқорий куйишлар бўлиб, 34 (22,7%) ҳолатда қўшма куйишларнинг ҳар хил турлари аниқланган.

Беморлар стандарт протоколга мувофиқ умумий клиник-инструментал, офтальмологик, лаборатор текширувлар, шунингдек ацетилланиш ҳолатини аниқлаш, иммуноцитокимёвий тест ўтказиш, иқтисодий самарани ҳисоблаш ва тизимли таҳлил кабиларни ўз ичига олган махсус усуллар орқали текширилган, олинган натижалар статистик таҳлилнинг турли усуллари билан қайта ишланган.

Диссертациянинг «**Ацетилланиш фенотипига боғлиқ ҳолда кўзнинг ишқорий куйишларининг патогенетик жиҳатларини экспериментал тадқиқ этиш**» номли учинчи бобда 100 та оқ каламушларда ўтказилган морфологик ва иммуноцитокимёвий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. 80 та ҳайвонда АФ ни аниқлаш билан стандарт усул бўйича кўзнинг ишқорий куйиши модели яратилган. Барча ҳайвонлар Норсульфазол ацетилланиш тезлиги бўйича 40 тадан каламушдан иборат 2 гуруҳга бўлинган: ТА – ацетилланиш тезлиги 50% дан юқори бўлган ва СА – 45% дан кам бўлган (асосий гуруҳ). Назорат сифатида 20 та ҳайвон (10 та СА билан ва 10 та ТА билан) кўзларининг олдинги қисми тўқималари, худди шу экспозицияда 0,9% ли NaCl эритмаси томизилгандан сўнг текширилган. Тажриба 4 босқичда – куйишдан кейин 3, 5, 12 ва 30-кунлари ўтказилган.

ТА ли каламушларда 3-куни шикастланишнинг марказий соҳасидаги коллаген тузилмаларнинг толаланиши билан кўз шоҳ пардасининг шиши, олдинги кўп қаватли ясси эпителийнинг хужайра элементлари тўлиқ йўқлиги, олдинги чегарали пластинканинг қисман сақланганлиги кузатилган. Шоҳ парданинг хусусий моддаси кўзнинг олдинги камераси йўлакчаларининг деструкцияси билан боғлиқ бўлган тўқималарнинг микроциркулятор ва трофик таъминланиши бузилиши белгилари билан турли қалинликдаги толаланган коллаген толалардан ташкил топган нотўғри тартибли бириктирувчи тўқимали пластинкалардан иборатлиги аниқланган.

Тажрибанинг 5-кунида ТА ли каламушларда шоҳ парданинг яраланиши, шикастланиш майдони эса шоҳ парданинг бутун юзасига ва атроф тўқималарга тарқалганлиги кузатилган.

Ўн иккинчи кунга келиб, дезорганизация жараёнлари кўз олдинги қисмининг орқа қаватларига, айниқса склеранинг бириктирувчи тўқимали тузилмаларига тарқалиб, коллаген толаларнинг диссоциацияси ва фрагментацияси, тўқималарнинг колликвацион деструкцияси, хужайра мембраналари оқсилли тузилмаларининг гидролизи, чуқур қаватлардаги хужайраларнинг некрози билан бирга кечган.

Тажрибанинг 30-кунига келиб, ТА ли каламушларда шиш бироз камайган, бироқ, кўзнинг барча қисмлари деструкцияси билан бирга,

имбибициядан то кенг майдонли геморрагияларгача кўринишидаги геморрагик бузилишларнинг ривожланиши билан аккомодацион аппаратнинг дегенерациясига олиб келган холда, деструктив жараёнлар ўсишда давом этган.

ТА ли каламушларда кўзга ишқорнинг таъсири натижасида жараён ўсиб бориш типиди бўлиб, кўрув аъзосининг барча тузилмаларида, айниқса микроқон томир оқимида тажрибанинг 30-кунида зўрайиши кузатилган қўпол деструктив бузилишларнинг шаклланиши аниқланган.

Кўзнинг ишқорий куйишида СА да шикастланиш динамикаси таҳлил қилинганда, ТА даги каби, айниқса куйишнинг илк 3-5 кунлари ишқор тўқималар оқсилларини эритиб, чуқур қатламларгача кириб бориши аниқланди.

СА да 12-куни деструкция жараёнларининг кучайиши, шоҳ парда юзасининг яраланиши билан бутун шоҳ парда тўқимаси бўйлаб асосий модда бутунлигининг диффуз бузилиши ва эпителиал тўқиманинг шоҳ парда олдинги эпителийси ҳисобига регенерацияга уриниши кузатилган.

СА ли каламушларда кўзнинг ишқорий куйишининг 30 кунига келиб, кучли гипотрофия ва атрофия, кўришнинг тўлиқ йўқолиши билан тавсифланувчи манфий динамика кузатилган. Тўқималар трофикаси бузилишининг морфологик манзараси шоҳ пардадаги деструктив-эрозив жараёнлар ва димланиш белгиларининг генерелизацияси, веноз ва лимфа тизимларининг дренаж функциялари бузилиши билан намоён бўлган.

ТА ва СА да кўз куйиш жароҳатларининг ривожланиши ва кечиши ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги аниқланган: улар ТА да куйишнинг дастлабки босқичида эмас, балки кечки муддатларида намоён бўлади ҳамда кўзнинг олдинги қисми тузилмалари бириктирувчи тўқимасининг тез ва фаол ўсиши билан, СА да эса узоқ муддатли дегенератив, трофик ва деструктив жараёнлар билан тавсифланади. Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотларда олинган натижаларга кўра хулоса қилиш мумкин, яъни, ишқорий куйишда кўздаги морфологик ўзгаришлар таъсирот вақтидаёқ дархол ривожланади, тузилмали бузилишларнинг яққоллиги, ривожланиш динамикаси ва сусайиши АФ га боғлиқ.

Куйиш жараёнининг ривожланиши ва динамикасининг патогенетик жиҳатларини ўрганиш учун, ишқорий куйиш мавжуд каламушларда куйишнинг 3, 5, 12 ва 30-кунларида, уларнинг АФ ни ҳисобга олган холда, репаратив жараёнларнинг фаоллигини ва тўқималарнинг деструкция жараёнларини кўрсатувчи шоҳ парда, склера, кўз гавхари, кўзнинг қон томирли қавати тўқима антигенларига нисбатан антиген боғловчи лимфоцитлар (АБЛ) кўрсаткичларини текшириш ўтказилган. Куйишнинг 3, 5, 12 ва 30-кунларида, ТА каби СА да ҳам, кўзнинг барча ўрганилган тўқималарида кучли дегенератив ўзгаришлар кузатилган (1-жадвалга қаранг). Назорат сифатида интакт каламушлар кўрсаткичлари хизмат қилган.

Тажрибада кўзнинг кимёвий куйиши динамикасида каламушларнинг кўз олдинги қисми тўқималарининг тўқима антигенига нисбатан АБЛ кўрсаткичлари (n=100)


Тўқима номи ва кесиш куни	Интакт каламушларда ТАГ га нисбатан АБЛ фоизи	ТА да ТАГ га нисбатан АБЛ фоизи	СА да ТАГ га нисбатан АБЛ фоизи	P
Шоҳ парда 3-кун	0,7±0,02	6,0±0,52*	5,0±0,38*	>0,05
5-кун	0,7±0,008	3,7±0,33*	3,7±0,32*	>0,05
12-кун	1,2±0,03	5,3±0,41*	4,3±0,48*	>0,05
30-кун	1,1±0,03	6,3±0,44*	6,7±0,21*	>0,05
Склера 3-кун	0,7±0,01	5,7±0,38*	6,7±0,32*	>0,05
5-кун	0,9±0,03	7,0±0,55*	7,0±0,44*	>0,05
12-кун	0,8±0,02	5,7±0,42*	7,0±0,43*	>0,05
30-кун	1,0±0,02	4,3±0,22*	6,7±0,31*	<0,001
Кўз гавхари 3-кун	0,9±0,01	5,3±0,48*	7,0±0,16*	<0,01
5-кун	1,1±0,004	4,7±0,51*	4,6±0,22*	>0,05
12-кун	0,8±0,01	3,7±0,43*	5,3±0,33*	<0,05
30-кун	1,4±0,01	3,3±0,52*	8,0±0,36*	<0,001
Қон томирли парда 3-кун	1,1±0,015	4,3±0,36*	4,7±0,42*	>0,05
5-кун	0,8±0,01	3,3±0,33*	3,7±0,37*	>0,05
12-кун	0,9±0,02	5,7±0,31*	3,7±0,51*	<0,01
30-кун	1,6±0,007	9,0±0,54*	5,7±0,34*	<0,01

Изоҳ: * - интакт ҳайвонларда мос кўрсаткичлар билан ўхшаш кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги, P – таққосланаётган гуруҳлардаги кўрсаткичларнинг фарқ ишончлилиги (ТА ва СА)


Динамикада ТА ва СА да, кўзнинг олдинги қисми тўқималарининг тўқима антигенига нисбатан АБЛ кўрсаткичлари бўйича тўқималар деструкцияси жараёнларининг кечиши ва ривожланишида бир қатор хусусиятлар мавжудлиги аниқланган.

Склера ва кўз гавхарининг тўқима антигенига нисбатан АБЛ кўрсаткичлари бўйича дегенератив жараёнларнинг тавсифи таҳлил қилинганда, ТА да куйишнинг 30-кунда ушбу тўқималарнинг жароҳатланиш даражаси 2 баробарга камайганлиги, зеро, у вақтда, СА да 30- кунда ҳам склера ва кўз гавхарининг деструкцияси даражаси куйишнинг 3-5 кунларидаги каби, бошланғич белгилар сақланганлиги, хатто кучайганлиги аниқланган (1 ва 2-расмга қаранг).

Шоҳ парданинг тўқима антигенига нисбатан АБЛ кўрсаткичи текширилганда, айрим хусусиятлар аниқланган. Яъни, ТА да кузатувнинг 12-кунига келиб, деструкция даражасининг асталик билан камайиши кузатилган, бироқ 30-кунга келиб, кўрсаткичлар дастлабки қийматлар даражасигача кўтаришган (3 кун). Бу жараён, 30-кунга келиб дастлабки кўрсаткичлар 1,34 баробар кўтарилиши кузатилган, СА ли каламушларда янада яққолроқ намоён бўлган.




1-расм. Кўзнинг тажрибавий ишқорий куйишида ТА ва СА да каламушлар склерасининг тўқима антигенига нисбатан АБЛ динамикаси (%)



2-расм. Кўзнинг тажрибавий ишқорий куйишида ТА ва СА да каламушлар кўз гавхарининг тўқима антигенига нисбатан АБЛ динамикаси (%)

Юқорида таъкидланганидек, СА да кўз олдинги қисмининг барча текширилган тўқималаридаги репарация жараёнларининг кечикиши кузатилган, бу жараён ой якунига бориб ошиб борган. Бироқ, кўзнинг қон томирли қаватининг тўқима антигенига нисбатан АБЛ кўрсаткичлари бўйича, ТА га нисбатан СА да жараён анча ижобий натижа берган (3-расмга қаранг).



3-расм. Кўзнинг тажрибавий ишқорий куйишида ТА ва СА да каламушлар қон томирли қаватининг тўқима антигенига нисбатан АБЛ динамикаси (%)

Шундай қилиб, тажриба хайвонларида кўзнинг ишқорий куйишида, уларнинг АФ га боғлиқ бўлмаган ҳолда, кўзнинг олдинги қисмининг барча бўлимларида 30 кундан ортиқ сақланиб турувчи дегенератив ўзгаришлар кузатилади; ТА ли хайвонларда кўз гавхари ва склера тўқималарининг тикланиши кучли ижобий динамика билан кечади, зеро, у вақтда, СА да ушбу тўқималарнинг деструкция жараёни нафақат тўхтамайди, балки куйиш жароҳатининг 30-кунига келиб янада кучаяди, бу ҳолат кўзнинг ушбу тузилмаларида патологик жараённинг ривожланиши ва зўрайишининг катта хатар омили сифатида инобатга олиниши лозим; шох парда томонидан ТА каби СА да ҳам дегенератив жараёнлар тажрибанинг 30 кунига келиб кучайиб, тажрибанинг дастлабки 3 кунига аниқланган кўрсаткичлардан ортиб боради ва бу ўзгаришлар ТА да кўпроқ намоён бўлади, ушбу ҳолат беморларни даволашда инобатга олиниши лозим; СА да кўзнинг олдинги қисми тўқималарининг дегенератив жараёнлари шох парда, склера, кўз гавхарининг тўқима антигенларига нисбатан АБЛ кўрсаткичлари бўйича узок давом этувчи клиникага эга бўлиб, ТА га нисбатан, айниқса, кўзнинг склераси ва гавхарининг шикастланиш кўрсаткичлари бўйича янада давомли даволашни талаб қилади; кўзнинг қон томирли қавати томонидан ТА га нисбатан СА да жараён бирмунча қонқарли кечиши кузатилиб, ушбу кўрсаткич тажрибанинг 30-кунига келиб, СА ли каламушларда кўз қон томирли қаватининг тўқима антигенига нисбатан АБЛ даражаси 1,6 баробарга ортади.

Тадқиқот натижаларини муҳокама қилган ҳолда, морфологик тадқиқотларда ҳам СА ва ТА ли хайвонлар популяциясида ишқорий куйишда кўзнинг турли тузилмаларидаги куйиш жараёнининг кечишида анчагина фарқлар аниқланганлигини таъкидлаш лозим, ТА билан таққосланганда, улар СА ли каламушларда янада чуқур ва узок муддатли деструктив жараёнлар билан тавсифланади, тегишли тўқималарнинг тўқима антигенларига нисбатан АБЛ кўрсаткичини аниқлаш тести эса тезкор ташхислаш, динамика мониторинги ва кўзнинг куйиш жароҳатлари оқибатларини башоратловчи сифатида қўлланилиши мумкин.

Диссертациянинг «Ацетилланиш фенотипини ҳисобга олган ҳолда, кўзнинг куйиш жароҳатларининг таснифини модификация қилиш ва клиник тадқиқотлар» номли тўртинчи бобида модификацияланган ва ягона тасниф ҳамда кўз куйиши билан касалланган 150 нафар беморнинг клиник текширувлари натижалари келтирилган. Таъкидланганидек, кўз куйишларининг ҳаммага маълум ва кенг қўлланиладиган бир нечта таснифлари мавжуд, аммо барча офтальмологлар томонидан клиник қўллаш учун мажбурий бўлган ягона тасниф ҳозирги кунгача мавжуд эмас, гарчи кўп йиллар давомида унинг зарурати масаласи пайдо бўлган.

Биз тасниф тузишда аниқ ташхис қўйиш учун уни қўллашдаги қонуниятларга асосландик, бу эса нафақат жароҳатнинг чуқурлиги ва тавсифини, балки жараённинг бўлиши лозим бўлган асоратларини ва беморнинг яшаш жойидаги УАШ ва офтальмологлар учун, яъни тиббий хизматнинг бирламчи бўғинида, ёрдам кўрсатиш бўйича маълумотлар бериш имконини берган бўларди. Шу билан бирга, тасниф содда ва қўллаш учун

қулай бўлиши лозим. Шу мақсадда, бундай беморларга ёрдам кўрсатишнинг турли босқичларида жараённинг ривожланиш вариантларини ва беморларни олиб бориш тактикасини танлашни кўрсатган ҳолда, ҚВП/ОП даражасида қўллаш учун таснифнинг содалаштирилган шаклини ва ТМКТП даражасида эса алгоритмик шаклини таклиф этдик.

Этиологиясига кўра:

1. Кимёвий: ишқорий, кислотали, бошқа кимёвий бирикмалар билан.

2. Физик: термик, нурли (электромагнит, ионизацияловчи, лазер ва бошқа турдаги тўлқинли шикастловчи).

3. Комбиниранган: (физик-физик, физик-кимёвий, кимёвий-кимёвий)

4. Қўшалок: (шикастланиш ва куйиш).

Жароҳатланиш хажми ва локализациясига кўра:

1. Юзаки периорбитал куйиш:

- *тери шакли:* қовоқ териси ва конъюнктива юзаки қаватларининг шикастланиши. Қовоқ териси ва конъюнктиванинг гиперемияси ва унча катта бўлмаган шиши.

- *тери-окуляр шакли* (тери тузилмалари ва кўзнинг олдинги қисми юзаки бўлимларининг шикастланиши билан): тери эпидермисининг барча қаватларининг ҳамда шоҳ парда ва конъюнктива эпителий қаватларининг шикастланиши.

2. Оралиқ куйиш (тери тузилмаларининг ва кўзнинг олдинги қисми барча бўлимларининг чуқур шикастланиши билан, конъюнктива шиллиқ қаватининг некрозланган тўқимаси ва унинг нуқсонлари, хиралашган шиша кўринишидаги шоҳ парданинг чуқур хираланиши, фақатгина қорачиқнинг қирғоқлари кўриниб туради).

3. Чуқур куйиш (кўзнинг барча тўқималарининг куйиб кўмирга айланиши ёки колликацияси билан тери қаватларининг, кўзнинг олдинги ва орқа қисмларининг шикастланиши, кўрув нервининг реактив жароҳатланиши).

4. Тотал куйиш (кўзнинг барча тузилмаларини органик хусусиятли тўлиқ шикастланиши).

Жараён кечишига кўра:

1. Ўткир;

2. чўзилган (проградиентли):

- силлиқ (жараённинг бошланиши, авж олиши, пасайиши),

- персистик (тўлқинсимон)

Асоратсиз.

Асоратланган (иккиламчи глаукома, симблефарон, шоҳ парда перфорацияси, иккиламчи катаракта, гипопион, увеит, склерит, эписклерит ва бошқ.)

Резидуал (қолдиқ) белгилар:

- кўриш ўткирлиги йўқолмаган ҳолда (косметик нуқсонлар),

- кўриш ўткирлигининг қисман йўқолиши билан (жадвал бўйича),

- кўриш ўткирлигининг бутунлай йўқолиши билан.

Кўрув аъзосининг хамроҳ касалликлари (кўрсатиш лозим).

Сўнгра кўриш қобилятининг ўткирлиги, йўқолганлик ёки сақланганлик

даражаси аниқланади. Кўз жароҳатланишларида кўриш ўткирлигининг пасайиш даражалари [Гуманенко Е.К., 2008].

Даражалар	Кўриш ўткирлигининг пасайиши
1	$\geq 0,5$
2	$< 0,5$ лекин $>0,2$
3	$\leq 0,2$ лекин $>0,02$
4	$\leq 0,02$ лекин $\geq \frac{1}{\infty}$ pr.certae
5	$\frac{1}{\infty}$ pr.in certae – 0 (ноль)

Текширувнинг кейинги босқичи куйиш жароҳатининг хусусиятини, структурасини ва кечишини клиник таҳлил қилишдан иборат. Кўзнинг куйиши мавжуд бўлган 150 нафар беморларда клиник текширувлар ўтказилган бўлиб, бир кўзнинг куйиши 80 нафар беморда (53,3%), 70 та ҳолатда (46,7%) турли даражадаги иккала кўзнинг куйиши аниқланган, бу жами 220 та жароҳатланган кўзни ташкил этган. Барча беморлар Ўз.Рес. ССВ РКОШ га мурожаат қилганда, даволашнинг 2, 5, 7, 12 кунлари ҳамда шифохонадан чиқарилгандан сўнг фаол диспансеризациянинг 30-куни ва 4-ойи муддатида текширилган. Шунингдек, кўзнинг куйишидан сўнг 1-2 йил ўтгач, кечки асоратларни аниқлаш ва АФ инобатга олган ҳолда уларни изоҳлаш мақсадида 44 нафар бемор кўриқдан ўтказилган.

Замонавий босқичда кўзнинг кимёвий куйишлари 77,3 фоизгача ҳолларда, асосан уй шароитида (66,0%), иккала кўзларнинг (46,7%) ва битта кўзнинг (53,3%) нисбатан тенг шикастланиши, аёлларга қараганда (12,7%) эркакларда кўпроқ (87,3%), ўртача $40,46 \pm 4,06$ ёшда, Медиана бўйича 31,6 ёшда учраши аниқланган. 85,4% ҳолларда беморлар куйиш вақтидан 1 ойгача бўлган муддатларда қабул қилинган, бироқ 14,6% беморлар куйишдан кейин жуда кечки муддатларда қабул қилинган.

Жами 150 нафар беморлардан 103 нафарида (141 жароҳатланган кўз) ацетилланиш фенотипи аниқланган бўлиб, 52 нафарида (69 кўз) секин ацетилланиш (СА) ва 51 нафарида (72 кўз) тез ацетилланиш (ТА) фенотипи кузатилган. АФ ни ҳисобга олган ҳолда, шифохонага мурожаат қилиш муддатлари таҳлил қилинганда, эрта муддатларда (жароҳатдан 1-2 ҳафта ўтгач) асосан ТА лар 92,2% ҳолларда, СА лилар фақатгина 75,0% ҳолларда, кечки муддатларда эса ТА ларга нисбатан, СА лар 2,5 баробар кўпроқ мурожаат қилганликлари аниқланган. ТА ли шахсларга куйиш жараёнининг ўткир кечиши, СА ларга эса сурункали кечиши хослиги аниқланган бўлиб (23,1% мос равишда 9,8%), бу ТА ли беморларга нисбатан (ётоқ куни – $4,17 \pm 0,22$), СА ли беморларнинг шифохонада узоқ муддат даволанишларига олиб келган (ётоқ куни – $7,04 \pm 1,2$) ($p < 0,05$). ТА ва СА да шикаятлар частотаси ва тавсифи, умуман олганда, бир хил бўлиб, аммо ТА да ёруғликдан қўрқиш, ёш оқиши, кўзда қум тикилганлик ҳисси, кўз тиниқ муҳитларининг хиралашиши, СА да эса қайталанувчи яллиғланиш жараёнлари қайд этилган ($P < 0,05$).

